

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Косонсой туман Камбағалликни  
Қисқартириш ва бандликка  
кўмаклашиш бўлими бошлиғи  
Ж. Мамадалиев**  
“ ” 2023-йил



**Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка  
кўмаклашиш бўлимида ўтказилган йиғилиш**

**БАЁНИ**

2023-йил « 10 » май

**Косонсой туман**

**Раислик қилувчи:**

**Ж. Мамадалиев** – Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи

**Қатнашдилар:**

Бўлими бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари, масъул ходимлари (*рўйхат бўйича*).

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тизимида фаолият юритаётган раҳбар-ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупсиявий ҳолатларни минималлаштириш мақсадида юборган 27.04.2023 йил кунги 01/00-03/20-2923- сонли, ҳамда вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасини 04.05.2023 йилдаги 01/09-152 сонли хатига муҳокамаси.**

*(Ж. Мамадалиев, А. Қосимов, Х. Хайдаров, К. Мирахмедов, Х. Мирахмедов, Б. Мирзарахимов)*

Йиғилишни Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Ж. Мамадалиев очиб, ўз сўзида бўлимда фаолият юритаётган раҳбар-ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупсиявий ҳолатларни минималлаштириш мақсадида мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари махсус тайёрланган буклетлар тизимдаги барча ташкилотларга тарқатилди ва фуқоролар кўришига қулай бўлган жойларга осиб қўйилганлиги тўғрисида тўхталиб сўзни, Вилоят бош бошқармаси Комплаенс нозорат бош мутахассиси А. Қосимовга берди.

А. Қосимов ўз сўзида юқоридаги ишлар қилинган бўлсада ўтказилган тадбирларга қарамасдан тизимда коррупсиявий ҳолатлар юқориликча қолмоқда деб қуйидагиларга тўхталиб ўтди.

Жумладан: Республика миқёсида жорий йилнинг 3-апрел куни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Н.Н. ёшларни касбга ўргатиш билан шуғулланувчи МЧЖ раҳбаридан унинг ўқув марказида таҳсил олаётганларнинг дарсларга қатнашиш ҳолатини мониторинг қилмаслик ва МЧЖ фаолияти бўйича текширув ўтказмаслик эвазига **300 АҚШ** доллари талаб қилиб, **1,400 минг** сўми ўз хизмат хонасида олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган.

Жорий йилнинг 5-апрел куни Жиззах вилоят Бандлик бош бошқармасида масъул лавозимда ишлаган Ш.Ш. Мирзачўл тумани касб-ҳунар марказига тегишли мутахассислик сертификатини сохталаштирган ҳолда **400 АҚШ** долларига сотмоқчи бўлиб, олдиндан фуқарога **1,100 минг** сўмини олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган.

Шунингдек, жорий йил 12-апрел куни Яккабоғ туманидаги маҳаллалардан бирида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишловчи С.С.шахс ўзи норасмий раҳбарлик қилувчи 2 та МЧЖга қурилиш материаллари сотиб олиш бўйича банкдан ажратилган **1,7 млрд** сўмлик имтиёзли кредит маблағларини бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги ҳолати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган.

Шаҳрисабз туманидаги Қўшчинор МФЙ фуқароси С.Б.нинг ўзи фойдаланиб келаётган **5 гектар** ер майдони аукцион савдоларига чиқиб кетганлигидан хабардор бўлиб, унга ушбу ер майдонининг **50 сотихини** ўзига қолдириб бериши эвазига Қўшчинор МФЙ ҳоким ёрдамчиси Й.С. **500 АҚШ** доллари олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ушланган.

Худди шундай коррупсион ҳолатлар вилоятимиз миқёсида ҳам 2022 йил довомида йўл кўйилган коррупциявий ҳолатлар, жумладан: Наманган шаҳар АБКМда “Наманган тикувчи аёллар” ИЧ коорпер-ативи 110 нафар фуқарога 245.3 млн сўмлик субсидия маблағлари чиқариб берилган.

2020 йил “Коронавирус” пандемия даврида 18 нафар ишламаётган фуқароларга 14,3 млн. сўм иш ҳақлари берилмасдан, 38 та ҳолатда 78,8 млн. сўм пул маблағлари асосиз буюртмачиларга чиқариб юборилиб, 18,4 млн. сўм иш ҳақлари асосиз тўлаб юборилиб, жами 111,5 млн. сўм бюджет маблағлари ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган.

Норин туман АБКМда “Asr 555” МЧЖ раҳбари ва шу билан бирга “Yuksak tomorqa xizmati 777” МЧЖ биргаликда Енгил конструкцияли субсидия асосида иссиқхона қурилишда 226 млн сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарифлаган,

Поп туман АБКМда Наманган шаҳар, “NAMANGAN ARGO INVEST ISSIQXONA va TOMORQA XIZ-MATI” МЧЖ раҳбари Н.Мирзаабдуллаев билан муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, 93.0 млн сўм миқдордаги талон-торож қилинган.

Уйчи туман Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ҳамда ДХХнинг Уйчи тумани бўлимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Уйчи туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори С.А., 2 нафар фуқарони ушбу марказга ишга қабул қилиш эвазига ўз хизмат хонасида 200 АҚШ доллари ва 2,2 млн сўми олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Шунингдек, олиб борилган терговга қадар текширувлар довомида С.А фуқаро Х.дан 18 нафар фуқарони расмий ишсизлар рўйхатига киритиб қўйиш учун муқаддам 1,8 млн сўмини

олганлиги аниқланиб, шундан 100 АҚШ доллари ва 600 минг сўмни қайтарганлиги процессуал тартибда расмийлаштирилган.

Йил давомида **680.0 млн сўм** миқдоридаги жамғарма маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон тарож қилганликлари аниқланган ва ушбу маблағлар айибдорлардан жамғарма ҳисобига ундирилган. Бандлик бош бошқармаси тизимда **9 нафар** ходимларга нисбатан жиноий иш кўриб чиқилиб тегишли тартибда жазо чоралари берилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Юқоридагилардан ҳолатлардан кўриниб турибдики тизим ташкилот раҳбар ва ходимлари ўртасида профилактик тадбирлар ва тарғибот ташвиқот ишларини кучайтириш ва ҳар бир ходимларни ўз вазифасига виждонан ёндошиши, карупсион жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, жазо муқаррарлиги ҳақида тушинтириш ишларини кўчайтириш мақсадида йиғилиш,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023-йил 27-апрел кунги 01/00-03/20-2923- сонли, вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасини 04.05.2023 йилдаги 01/09-152 сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи ўринбосарлари (Х.Хайдаров), (К. Мирахмедов)ларга 1 кун муддатда Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими барча ходимларидан бошқарма бошлиғи номига Кафолат хатлари олиш.

3. Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи ўринбосарлари (Х.Хайдаров), (К. Мирахмедов)ларга 1 кун муддатда юқоридаги ҳолатларни ходимлар ўртасида муҳокама қилиш учун барча МФЙлар раҳбарларига тегишли топширик хат тайёрлаб юборишни таъминлаш, ҳамда туман бўлимлари ва тизим ташкилотлари ва МФЙларда “Коррупсияга қарши курашиш” тарғибот тадбирлари ўтказиш режа графигини ишлаб чиқиш.

4. Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи, бўлим тасаруфидаги ташкилот раҳбарларига 2 кун муддатда ўзи раҳбарлик қилаётган бўлим ва муассаса ходимларидан тўлиқ ҳолда кафолат хатлари ва манфатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида декларасия олиш вазифаси юклатилсин.

5. Косонсой туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи ўринбосарлари (Х.Хайдаров), (К. Мирахмедов)ларга жойларда ўтказилган “Коррупсияга қарши курашиш” тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш чораларини кўрсин.

5. Мазкур йиғилиш қарорини ижросини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман.

Баёнлаштирувчи



Ф. Мамажонова.







